

“БЕРУНИЙ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани,
Кат кўчаси, рақамсиз-уй

2026 йил 29 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўчасида жойлашган “Беруний пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **11:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **11:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **12:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалар килувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 579 706.

“Беруний пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2026 йил 4-июндаги 34А-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2026 йил 5 июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2026 йил 23 июнь.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Кунназаров Ерназар Уринбаевич – “Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси;

2. Махмудов Алишер – жамият ижроия органи раҳбари-бош директор;

3. Аллабергенов Алишер – жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси А.Махмудов малака ва тажрибага эга бўлган “Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раисини йиғилиш раиси этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Тажимов Боҳрам Худаяровични йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раиси этиб Е.Кунназаров ва йиғилиш котиби этиб Б.Тажимов сайланди.

Йиғилишни, йиғилиш раиси Е.Кунназаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш катнашчиларини кутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Б.Тажимовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2026 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилган “Беруний пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1166 та акциядорга тегишли 579 706 дона акциялар катнашиши мумкин.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 335 154 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 7 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 57,82 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров йиғилиш қун тартибини эълон қилди.

ҚУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. 2025 йил якуни бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. 2025 йил якуний бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Ташқи аудиторининг 2025 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2025 йил харажатлар сметаси ижроси юзасидан ўтказилган ўрганиш натижаларини муҳокама қилиш ҳамда 2026 йил харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг ундириш имконияти бўлмаган муддати ўтган ҳамда умидсиз бўлган дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобдан чиқариш.
7. Кузатув кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботи ва қарорларини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича олинган соф фойда, зарарни тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришини кўриб чиқиш.
10. 2026 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
13. "BERUNIY CLUSTER" МЧЖ билан 2020 йил 30 октябрь кунги 40-сонли, 2021 йил 20 октябрь кунги 31-сонли тузилган шартномалари беъкор бўлганлиги сабабли жамиятга қарашли пахта тозалаш корхонаси ва пахта қабул қилиш масканлари, "Уруғлик чигит дориллаш" цехи, ва асбоб-ускуналарини Электрон онлайн-аукцион савдолари орқали баҳоланган қийматда сотиш масаласи.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2026-йил 5-июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига З.Реймов-жамиятнинг бош ҳисобчиси, Ф.Султанов-жамият юрист маслаҳатчиси, Б.Тажимов-жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис номзодлари киритилган.

Шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқагача, савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига 7 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таклиф этилаётган таркибини ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёклаганлар" – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) З.Реимов;
- 2) Ф.Султанов;
- 3) Б.Тажимов.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқагача, савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига 7 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Бош директори А.Махмудов сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Бундан ташқари акциядорлар эътиборига жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*жамият йиллик ҳисобот илова қилинади*).

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан жамият ижроия органи раҳбарининг 2025 йилдаги фаолияти ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини ва 2025 йиллик ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори А.Махмудовга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан жамият ижроия органи раҳбари А.Махмудовнинг 2025 йилдаги фаолияти ва жамиятнинг 2025 йиллик ҳисоботини маъқуллаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2025 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг 2025 йил ҳисоботи қониқарли деб топилсин маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчиси З.Реимов 2025 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари бўйича ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*жамият йиллик баланси ва молиявий натижалари илова қилинади*).

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан 2025 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчиси З.Реимов сўзга чиқиб, ўз сўзида “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2026 йил 15 майдаги аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида жамиятнинг 2025 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан 2025 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2026 йил 15 майдаги аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2026 йил 15 майдаги аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчиси З.Реимов сўзга чиқиб, ўз сўзида Жамиятнинг 2025 йил харажатлар сметаси ижроси юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди (жамиятнинг 2025 йил харажатлар сметаси илова қилинади).

2025 йил январь-декабрь ойларидаги фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар сметаси ижроси бўйича қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятни 2025 йил январь - декабрь ойларидаги фаолиятига, жамият ишчи ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган соликлари билан бирга 897 572,8 минг сўм (смета бўйича 1304197,9 минг сўм), сақлаш харажатларига 637 101.6 минг сўм (смета бўйича 889000 минг сўм), солиқ тўловларига 1528009.7 минг сўм (смета бўйича 1576800.0 минг сўм) банк ва бошқа харажатларга 74739.3 минг сўм (сметада 89200 минг сўм), харажат килинган.

Бундан ташқари З.Реимов ўз сўзида, жамиятни фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ 2026 йил январь - декабрь ойларига мўлжалланган харажатлар сметаси лойиҳаси билан таништирди. Мазкур фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сметаси лойиҳасида жамият ишчи ходимларининг иш ҳақи, солиқ тўловлари, суд, банк, депозитарий хизматлари учун жами 4 849 293 минг сўмлик харажатлар кўрсатилганлигини маълум қилди.

Жамият акциядорларидан навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибидаги бешинчи масала бўйича “Беруний пахта тозалаш” АЖ нинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сметасини тасдиқлашда ўз овозларини бюллетенда белгилаш орқали билдирилиши сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган 2025 йил январь-декабрь ойларига мўлжалланган харажатлар сметаси ижроси тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган 2026 йил январь-декабрь ойларига мўлжалланган харажатлар сметаси маъқуллансин, бунда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори ўзгариши инобатга олинсин.

3. “Беруний пахта тозалаш” АЖ фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот жамият акциядорларининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқилиши белгилансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўзни жамиятнинг бош директори А.Махмудовга берди.

А.Махмудов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилганлиги ва мазкур ишчи-гуруҳининг ҳулосасига асосан 2026 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган ҳамда умидсиз бўлган жамиятнинг 12 726 221 сўм дебитор қарздорлиги мавжудлиги ҳақида маълумот берди (хулоса илова қилинади).

Муҳокамадан сўнг йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган ҳамда умидсиз бўлган 12 726 221 сўм дебитор қарздорлиги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича тегишли чораларни кўриш;

- барча турдаги харажатлар қисқартирилишига эришиш юклатилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўзни жамиятнинг бош директори А.Махмудовга берди.

А.Махмудов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 2 419 270 600 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоизи – 372 493 200 сўм миқдорида тузилади ва 2026 йил 1-январь ҳолатига захира фонди тўлиқ шаклланган.

Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича олинган 1 100 341 865 сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш тавсия этилади. Шундан:

- соф фойданинг – 130 000 000 сўм жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга йўналтирилишига тавсия берилган;

- соф фойданинг қолган қисми – 970 341 865 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдириш ҳамда мазкур маблағни жамиятнинг 2026 йил якунини соф фойда тақсимоотида инобатга олиш тавсия этилган.

Муҳокамадан сўнг йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича олинган 1 100 341 865 сўм соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимласин, шундан:

- соф фойданинг - 130 000 000 сўмни жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга йўналтирилсин;

- соф фойданинг қолган қисми – 970 341 865 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур маблағ жамиятнинг 2026 йил якунига соф фойда тақсимоотида инобатга олинсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2025 йил 26-июндаги умумий йиғилиши қарорига асосан жамият Бош директори этиб Махмудов Алишер билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2025 йил ўтказиладиган навбатдаги (йиллик) умумий йиғилишигача узайтирилганлигини айтиб ўтди. Махмудов Алишер жамиятда кўп йиллардан буён ишлаб келаётганлиги, бошқарув органлари томонидан қўйилган вазифаларни бажариб келаётганлигини инобатга олиб, Махмудов Алишер билан тузилган меҳнат шартномасини акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилишигача муддатини узайтириш таклифини киритди.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият Бош директори Махмудов Алишер билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2026 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор Махмудов Алишер билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати 2026 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори А.Махмудовга:

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

–“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа офиси ҳамда “Қорақалпоқпахтасаноат” ҚАБ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича жамиятнинг бош директори А.Махмудов сўзга чиқиб, жамиятда 2026 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/ р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва раками	Миллий ва Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
	“SAMIMIY AUDIT” МЧЖ		3 500,0
	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ		5 000,0
	“XB FINANS KONSULTING” МЧЖ		3 000,0
	“ZAMIN OIL-AUDIT” МЧЖ		3 500,0

Муҳокама давомида жамият акциядорлари жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташки аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан 2026 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 335 154та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2026 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ХВ FINANS KONSULTING” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 3000,0 минг сўм деб белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юкорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва ҳулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўз олди. “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонуннинг 76-моддасига асосан жамият кузатув кенгаши аъзоларини 3 йил муддатга сайлаш учун жамиятнинг 308 880 дона акция 51 % акция эгаси “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ томонидан ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб, камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар номидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

“Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ томонидан кўрсатилган номзодлар:

Кунназаров Ерناзар Уринбаевич – “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси; Танатаров Полат – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари; Джугинисов Баҳадир Сапарбаевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари; Анесов Нурсултан Сирим ўғли – “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси; Умарова Венера Анесовна – “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ, Тугатиш комиссияси аъзоси, бош ҳисобчиси; Кучкаров Тохир Муминджанович – “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш лойиҳа офиси бош ҳисобчиси; Курбанов Баҳадир Гулманович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси; Халмуратов Даулетбай Назарбаевич – “Қорақалпоқпахтасаноат”

ҲАБ тугатиш комиссияси аъзоси; Маткаримова Муҳаббат Сапарбаевна – "Қорақалпоқпахтасаноат" ҲАБ тугатиш комиссияси аъзоси, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис номзодлари кўрсатилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Кунназаров Ерназар Уринбаевичга:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Танатаров Полатга:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Джугинисов Баҳадир Сапарбаевичга:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Анесов Нурсултан Сирим ўғлига:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Умарова Венера Анесовнага:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Кучкаров Тохир Муминджановичга:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Курбанов Баҳадир Гулмановичга:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Халмуратов Даулетбай Назарбаевичга:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Маткаримова Муҳаббат Сапарбаевнага:

"Ёқлаганлар" – 308 880та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига уч йил муддатга кумулятив овоз беришда энг кўп овоз тўплаган "Қорақалпоқпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси" АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар сайлансин:

1. Кунназаров Ерназар Уринбаевич – "Қорақалпоқпахтасаноат" ҲАБ тугатиш комиссияси раиси;

2. Танатаров Полат – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари;

3. Джугинисов Баҳадир Сапарбаевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқарма бўлим бошлиғи ўринбосари;

4. Анесов Нурсултан Сирим ўғли – "Қорақалпоқпахтасаноат" ҲАБ тугатиш комиссияси аъзоси;

5. Умарова Венера Анесовна – "Қорақалпоқпахтасаноат" ҲАБ, Тугатиш комиссияси аъзоси, бош ҳисобчи;

6. Кучкаров Тохир Муминджанович – "Ўзпахтасаноат" АЖ тугатиш лойиҳа офиси бош ҳисобчиси;

7. Курбанов Баҳадир Гулманович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси;

8. Халмуратов Даулетбай Назарбаевич – "Қорақалпопахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси;

9. Маткаримова Муҳаббат Сапарбаевна – "Қорақалпопахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси, қимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Махмудовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бизнес-режа илова қилинади*).

Йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган бизнес-режани тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар" – 335 154та овоз билан 100%;

"Қаршилар" – йўқ; "Бетарафлар" – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўзни жамият ижроия органи раҳбари - бош директори А.Махмудовга берди.

"BERUNIY CLUSTER" МЧЖ ва "Беруний пахта тозалаш" АЖ ўртасидаги 2020 йил 30 октябрдаги 40-сонли тузилган шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро иқтисодий ишлар бўйича Судининг 2026 йил 14 январдаги 4-2302-2502/2399 сонли хал қилув қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2026 йил 9 апрелдаги қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 12 майдаги қарори билан бекор бўлган.

Бундан ташқари, "BERUNIY CLUSTER" МЧЖ ва "Беруний пахта тозалаш" АЖ ўртасидаги 2021 йил 20 октябрдаги 31-сонли тузилган шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро иқтисодий ишлар бўйича Судининг 2026 йил 12 январдаги 4-2302-2503/2400 сонли хал қилув қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2026 йил 13 апрелдаги қарори, Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 12 майдаги қарори билан бекор бўлганлигини айтиб ўтди.

Жамият бош директори А.Махмудов жамиятга қарашли пахта тозалаш корхонаси ва пахта қабул қилиш масканлари, "Уруғлик чигит дорилаш" цехи, ва асбоб-ускуналарини кейинчалик баҳоланган кийматда (ҚКС кўшилган кийматда) Электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотиш масаласи вужудга келганлиги тўғрисида ахборот берди.

Бундан сўнг, йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорлардан “BERUNIY CLUSTER” МЧЖ билан 2020 йил 30 октябрь кунги 40-сонли шартнома 2021 йил 20 октябрь кунги 31-сонли тузилган шартнома Қорақалпоғистон Республикаси судлов хайъати томонидан бекор қилинганлиги сабабли жамиятга қарашли пахта тозалаш корхонаси ва пахта қабул қилиш масканлари, “Уруғлик чигит дорилаш” цехи, ва асбоб-ускуналарини баҳоланган қийматда (ҚҚС қўшилган қийматда) Электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 309654 та овоз билан 92.4%;

“Қаршилар”- 25500; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “BERUNIY CLUSTER” МЧЖ ва “Беруний пахта тозалаш” АЖ ўртасидаги 2020 йил 30 октябрдаги 40-сонли тузилган шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро иқтисодий ишлар бўйича Судининг 2026 йил 14 январдаги 4-2302-2502/2399 сонли ҳал қилув қарори билан бекор қилинганлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2026 йил 9 апрелдаги қарори, Қорақалпоғистон Республикаси Суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 12 майдаги қарори маъқуллансин.

2. “BERUNIY CLUSTER” МЧЖ ва “Беруний пахта тозалаш” АЖ ўртасидаги 2021 йил 20 октябрдаги 31-сонли тузилган шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро иқтисодий ишлар бўйича Судининг 2026 йил 12 январдаги 4-2302-2503/2400 сонли ҳал қилув қарори билан бекор қилинганлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2026 йил 13 апрелдаги қарори, Қорақалпоғистон Республикаси суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанциясининг 2026 йил 12 майдаги қарори маъқуллансин.

3. Жамият ижро органи раҳбарига:

- “Беруний пахта тозалаш” АЖнинг мавжуд мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш мақсадида баҳолашни амалга ошириш ҳамда баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш учун мустақил баҳоловчи ташкилотларини жалб қилиш бўйича оммавий ахборот воситаларига эълонларни берсин;

- баҳолаш учун камида 3 та ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботининг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш учун ҳам камида 3 та тижорат таклифларини ўргансин ва тижорат таклифлари орасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келадиган, малакали мутахассисларга эга ҳамда энг қулай нархларни таклиф этган баҳоловчи ташкилотларини танласин;

- баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини текшириш учун экспертизадан ўтказсин.

4. Баҳолаш якунлангандан кейин жамиятга қарашли пахта тозалаш корхонаси, пахта қабул қилиш масканлари, “Уруғлик чигит дорилаш”

цехи ва асбоб-ускуналарини баўоланган қийматда (ҚҚС қўшилган қийматда) Электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишга қўйилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби:



Е.Кунназаров

Б.Тажимов.

Йиғилиш бажарилган 2026 йил июль куни икки нусхада тузилди.

Йиғилишда ҚҚС қўшилган қийматда сотишга қўйилган, акциядорларнинг қабул қилинган қарорлардан раислик қилувчи учун миннатдорчилик билдириб,

Е.Кунназаров

Б.Тажимов.

Йиғилиш бажарилган 2026 йил июль куни икки нусхада тузилди.